



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 17 октябрь, № 205 (4358)

Чоршанба

ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Эрон Ислом Республикасидан қайтайтиб, 16 октябрь кунни Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикани иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда 2007 йил 12 февралдаги Хукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Марказий иқтисодиёт вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларида қайд этилганидек, 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим етти та устувор вазифасини амалга ошириш бўйича кўрилатган тизимли чора-тадбирлар мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларида изчил эришилшини, солиқ ва бюджет сибёти асосий йўналишларининг муваффақиятли бажарилишини, 2007 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ўз вақтида ижро этилишини таъминламоқда.

Республика Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ички маҳсулотнинг ўсиши 9,8 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ўсишга сановат ишлаб чиқариши ҳақлари 11,9 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 3,5 фоизга, пудрат қўрилиш ишларини — 20,4 фоизга, чакана товар айланмасини — 18,4 фоизга, пулли хизматларни 25,2 фоизга кўпайтириш ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмаси, энг аввало, экспортнинг 41,8 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига юқори суръатлар билан кўпаймоқда. Давлат бюджети профити билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Кулай инвестиция муҳити ва инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши инвестициялар ҳажмининг 2 баравардан ортқ ўсишини таъминлади. Бир қатор янги йирик сановат ишлаб чиқаришлари, «Тошгузар-Бойсу»-Кумқўрғон» темир йўли линияси, «Зеварда» қонда босимли компрессор станцияси ва бошқа объектлар ишга туширилди. Тубегатан қалийли ўғитлар қонини ва «Хандиза» полиметалл рудалари қонини ўзлаштириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини эркинлаштириш ва солиқ юқини пайсаятириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизга ошдириши таъминланди.

Мажлисида қайд этилганидек, ўтган қатар мабъайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим фармонлари қабул қилинганлиги ва амалга оширилганлиги аҳолининг турли қатламларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли умумий миллий дастурларни изчил амалга ошириш бўйича анқ чора-тадбирларнинг янада қўйирилишини муайян даражада таъминлади. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилди. Биргина «Иқтисодий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тадбирларга 370 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан 153 миллиард сўм йўналтирилди.

Қўн тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида республика Хўкумати мажлиси қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўшма мажлисида белгиланган асосий вазифаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари, шунингдек, республика иқтисодиёти реал сектори корхоналари раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқаришнинг барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналари техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўридан-тўри инвестицияларни жалб этиш, 2008 йилда иқтисодиётнинг барча тармақлари ва соҳаларининг узлуқсиз ривожланиши учун ишончли замин яратиш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан «Ўзкимёсанот» (Ф.Ибрагимов), «Ўзбекенгилсанот» (Р.Рўзиқўлов) давлат-акциядорлик компаниялари, «В.П.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти (У.Султонов) раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ҳар доимидек, меҳнат ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва аҳоли турмуши сифатини ошириш масалалари маҳлис қатнашчилари диққат-эътибори марказида бўлди. Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг бажариувчи А.Хайтов, Сирдарё (М.Эркаев), Андижон (Ш.Ибрагимов), Навоий (С.Саматов) вилоятлари ҳўкимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида қатнашчилари, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва фермер ҳўжаликларида қоравчиликни ривожлантириш мақсадида комплекс дастурларни амалга оширилишининг аҳоли атрофида таҳлил қилинди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ, шу йилда 490,0 миңга яқин янги иш ўрни, шу жумладан, корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича 82 миңга, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси-

(Давоми 2-бетда).



КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Пахтабод туманидаги «Маданият интернешнл» масъулияти чекланган жамиятида ҳозир етти турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариламоқда. Асосан пахтабодлик ёшлар меҳнат қилаётган жамоада маҳсулот сифати ва самарадорлигига эътибор қаратилаётгани ютуқлар омили бўлаётир. Корхона то-

монидан ички бозорга ҳар ойда ўртача 1 млн. 200 миң сўмлик маҳсулот чиқариламоқда. — Корхонамизни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга янқ технологияларни жалб этиш ва пироваидида жаҳон андозалари даражасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосий мақсадимиз, — дейди

ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Қодиржон Тешабоев. — Ҳозир бу вазифаларни амалга ошириш борасида муайян ишлар олиб бормоқдамиз.

СУРАТДА: корхонанин моҳир тикувчиси Зебо Аҳмедова.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳамкорлик

Бугунги глобаллашув жараёни, айниқса, ишбилармон ва тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очаяпти. Сабаби, тезкор замонамизда географик чегара ва давлатлараро масофанин аҳамияти пасайиб, маҳсулотни бир пайтнинг ўзида дунёнинг хоҳлаган бурчагидagi миқозга сотиш мумкин.

«Western Union»:

Хизмат доираси кенгаймоқда

Табиийки, бундай олди-сотди ва бошқа мақсадлар учун маблаг жўнатилишнинг тақомиллашган хизмат турларига эътибор севилди. Чунки олддаги алоқа хизматларининг ўз борадаги хизматлари ўсиб кетган талаб ва тақлифга жавоб бермай қолганди. Шундай бир пайтда бизнес олами ва истеъмол бозорига «Western Union Financial Services» фирмаси ўзининг тезкор, ишончли ва қўлай хизматлари билан кириб келди.

Аслида ушбу фирма 1851 йилда телеграф алоқаси хизматлари кўрсатувчи компания сифатида ташкил этилган эди. Бугунги кунда унинг жойлардаги вақилик хизмат шохобчалари орқали дунёнинг 200 дан ортқ давлатларида жаҳон бўйича пул жўнатиш, ҳисоб-китоб тўловларини амалга ошириш каби замонавий хизматлари тақдим қилинапти. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам.

«Western Union»нинг мамлакатимизда фаолият кўрсатга бошлаганида етти йил бўлди. Айни вақтда юртдошларимиз 22 та миллий банк орқали мазкур фирма хизматларидан кенг фойдаланишмоқда.

Компаниянинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжон бўйича вақили Жалол Хайдаровнинг айтишича, фирма фаолияти кейинги ўн йилда кескин кенгайди. Масалан, 1998 йили пул жўнатишлари ўқазиб ва қабул қилиш вақилик хизмат шохобчалари 50 миң-

(Давоми 2-бетда).

23 декабрь —

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунни

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар изчил давом этмоқда. Бугун халқимиз яна бир катта сийбый воқеа арафасида турибди. Бу жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбатимиз Президент сайлови ҳамда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафоллари га оид миллий қонунчилигимизнинг моҳияти ҳақида бўлди.

— Мирзоулғбек Элчиёв, суҳбатимизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтқазмига оид миллий қонунчилигимиз-

нинг асосий қондаларидан бошлашасан...

— Аввало, шунга таъкидлаш лозимки, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни сайлов-

ларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сайлов жараёнида жамиятдаги хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, оруз-умидлари, ижтимоий қайфиятлари фаол намоён бўлади.

Икки палатали парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари га бўлиб ўтган очик ва ошқора сайловлар том маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган муҳим воқеалардир.

(Давоми 2-бетда).

ЮКСАК БАҲОДАН ДИЛЛАР ШОД

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига йўллаган табриғидagi самийий сўзлар, билдирилган орзу-истаклар доҳқон меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Айниқса, Юртбошимизнинг «... ерга кўз тикиб яшайдиган миң-миңлаб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад топиб, шунинг ҳисобидан оила тебратилиш, фарзандларини уй-жойли қилиш ҳақидаги орзу-ниятларини ўзимга доимо яқол тасаввур қиламан. Ҳеч муболагасиз, бугун оғибларимиз мўл ҳўзилга, кўнгилиримиз шодлиққа тўлган мана шу кутлуг кунни барча доҳқонларимиз 22 та миллий банк орқали мазкур фирма хизматларидан кенг фойдаланишмоқда.

Компаниянинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжон бўйича вақили Жалол Хайдаровнинг айтишича, фирма фаолияти кейинги ўн йилда кескин кенгайди. Масалан, 1998 йили пул жўнатишлари ўқазиб ва қабул қилиш вақилик хизмат шохобчалари 50 миң-

(Давоми 2-бетда).

да қандай акс этаятгани билан қизиққан эдилар. 2008 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яқшилаш учун давлат бюджетидан сарфланидиган маблаг миқдорини жорий йилдаги нисбатан бир неча баравар ошириш мўлжалланаётганини айтди.

Бундай гамаҳўрликни биз ҳар қадамда сезиб турибмиз. Мана, етти йилдирки, 21 гектар майдонда доҳқончилик ҳолатини яқшилаш учун давлат мўл ҳўсил етиштириб келаяпмиз. Уруғлик, минерал ўғит, техника ва ёнилғи-мўйлаш материаллари таъминотида муаммолар йўқлиги туфайли бу йил ҳам пахта тайёрлаш шартнома мажбуриятидаги еримизнинг мелиоратив ҳолати яқшиланса, биз, фермерларга ҳар қачонгидан юқори ҳўсил етиштириш имконияти яратилади, албатта.

Жўрабой МУСУРМОНОВ, Пахтакор туманидаги «Усмон бобо» фермер ҳўжалиги раҳбари.



МЕҲНАТИМИЗ ФАЙЗУ БАРАКАСИ

Айниқса, фермерлар бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигининг тақдирини ва истеҳсолотини белгилаб берадиган кучга айланганлиги ҳақидаги фикр бизнинг зиммамизга катта масъулият оқлайди.

Фермер ҳўжалигимиз аъзолари жорий йилда 37,5 гектар ерда «Наманган-77» навли гузани агротехника талаблари асосида парваришлаб, мўл ҳўсил етиштиришди. Ҳўсилдорлик эса гектар ҳисобига 35 центнерни ташкил этди.

Хали даладаримизда ҳўсил қўп. Юртбошимизнинг оталарча гамаҳўрлигидан руҳланиб, пешона тери эвазига етиштирилган қимматбахў хом ашёнинг бир миқсодини ҳам исроф қилмасдан йиғиштириб олаяпмиз. Мақсадимиз —

Президентимизнинг юртимиз пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига табриғини ойнан жаҳондан ҳажон билан тингладим, газета-лардан ўқиб, гуруландим. Чунки бу табриқ бизнинг меҳнатимизга жуда юксак муқофодир.

Айниқса, фермерлар бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигининг тақдирини ва истеҳсолотини белгилаб берадиган кучга айланганлиги ҳақидаги фикр бизнинг зиммамизга катта масъулият оқлайди. Фермер ҳўжалигимиз аъзолари жорий йилда 37,5 гектар ерда «Наманган-77» навли гузани агротехника талаблари асосида парваришлаб, мўл ҳўсил етиштиришди. Ҳўсилдорлик эса гектар ҳисобига 35 центнерни ташкил этди. Хали даладаримизда ҳўсил қўп. Юртбошимизнинг оталарча гамаҳўрлигидан руҳланиб, пешона тери эвазига етиштирилган қимматбахў хом ашёнинг бир миқсодини ҳам исроф қилмасдан йиғиштириб олаяпмиз. Мақсадимиз —

Ботир ТУРОПОВ, Шахрисабз туманидаги «Жўрақобил Туропов» фермер ҳўжалиги раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимўхаммедовнинг тақлифига биноан 2007 йил 18-19 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга доир қатор икки томонлама ҳўжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

АЛОҚА ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда «Алоқа инфратузилмаси ва хизматлари ҳамда электрон ҳўжат айланшини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Россия Федерациясининг Ахборот технологиялари бўйича федерал агентлиги томонидан ташкил этилди.

Форумда мамлакатимиз давлат органлари, илмий ташкилотлари, ишбилармон доиралари, ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи хорижий фирмалар ҳамда компаниялар вақилилари иштирок этди.

Конференцияда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича анқ мақсадли дастур қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Жамият жадал суръатда ахборотлаштирилмоқда ва шу босис бугун қўллаб қувватлаш ҳамда нодаллат тузилмаларида электрон ҳўжат айланшини тизимига бўлган эътибор ортқ бо-раётир.

2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳўжат айланшини тўрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг асосий вазифаси электрон ҳўжатнинг ҳўқуқий кучини белгилашдир. Мазкур қонунга кўра, электрон ҳўжат қозғоқ ҳўжатга тенглаштирилади ва у билан тенг ҳўқуқий кучга эга бўлади. Ҳозир республикамизда электрон ҳўжат айланшини кенг қўллаш имконияти яратилган.

Электрон ҳўжат айланшининг замонавий тизимларини қўллаш, ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик даражаси ва сифатини, катта ҳажмлардаги ахборотни топиш, қайта ишлаш, фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бошқарув қарорларининг тезкорлиги ҳамда юқори сифатини таъминлаш, ҳамкорликдаги ҳаракат жараёнини соддалаштириш ва уларни амалга ошириш вақтини қисқартириш орқали ҳар қандай ташкилот ҳамда компанияни шунундоғи ва самарадорлигини ошириш мумкин. Электрон ҳўжат айланшини хизматларига, айниқса, электрон ҳўкумат ва электрон тижоратни ривожлантиришга эътибор севилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида замонавий электрон ахборот аламлиқ тизимига ўтиш бўйича кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда.

2006 йилда электрон рақамли имзони қўллашга доир миллий инфратузилма ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда жадал ривожланмоқда. Электрон рақамли имзодан электрон ҳўжат айланшини амалга оширишда фойдаланилади. Қўллаб қувватлаш ва нодаллат тузилмалар ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун электрон ҳўжат айланшини тизимини жорий этди ҳамда муваффақиятли қўлламоқда. Мамлакатимиздаги ўнлаб фирма ва компаниялар хорижий шериклари билан электрон ҳўжат айланшини тизимини ишлаб чиқиб, ҳаётга таъбиқ этипти.

Форумда электрон ҳўжат айланшини, жумладан, халқаро электрон ҳўжат айланшини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилди, ушбу соҳада тажриба алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари, алоқа инфратузилмаси ва хизматларининг аҳоли ҳақда уларни ривожлантириш, стандартиштириш, электрон ҳўжат айланшини соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи У.Аъламов, Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг биринчи ўринбосари Р.Исаев, «ТехноСерв АС» масъулияти чекланган жамият департаменти раҳбари М.Романов (Россия) ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Россия Федерациясининг айтишича, Ўзбекистон МДҲда АКТ соҳасида халқаро ҳамкорликнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, электрон рақамли имзо ҳамда электрон ҳўжат айланшини марказларини жорий этиш бўйича етакчи ўрнига эга бўлади. Россия мутахассисларининг Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан янги илмий ва амалий ҳамкорлиги ҳам бундан далолат беради.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎзА муҳбири.

